

Лаборатория № 16

Мавзу: Техник воситалар билан ишлаш.

Мақсад: 1. Ўқувчиларга техник воситалар ҳақида маълумот бериш.

2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жиҳозлар: 1. Бошланғич табиий география дарслиги

2. Атлас

3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)

2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”

3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”

4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”

5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

8. P. Mussaev va boshqalar “O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. Техник воситалар билан ишлашни изоҳланг.

2. Лаборатория дафтарга ёзиш.

Асбоблар турли мазмундаги амалий ишларни бажариш учун зарур бўлган ўқув қуролларини ўз ичига олади. Мактабда географияни ўқитишда татбиқ этиладиган асбоблар қуйидагилардан иборат:

1) кузатиш асбоблари: термометр (максимал, минимал),

термограф, флюгер, анемометр, барометр, барограф, гигрометр гигрограф, егин ўлчагич, қор қалинлигини ўлчайдиган рейка қалқитма, бурчак ўлчагич, скафис;

2) жойда ориентировка олиш ва горизонт томонларини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоблар: компас, гномон кутб юлдузи курсаткичи ва румбли ҳалқа;

3) масофаларни ўлчаш асбоблари: ер ўлчайдиган цнркуль рулетка, метр ўлчагич, рейка, эклиметр, планшет, визир чизғичи,

4) тажриба ўтказиш учун ишлатиладиган асбоблар: стакан пробирка, колба ва ҳар хил шиша идишлар, воронка штативъ спирт лампаси.

Мосламалар. Бу мосламалар кўрсатмали қўлланмаларни курсатиш, сақлаш ва ихчам қилиб жойлаш мақсадида фойдаланиладиган ердамчи қуроллардир. Мосламалар география таълимида бевосита иштирок этмасада, карталар, жадваллар схемалар, экранли қўлланмаларни кўрсатишга ёрдам беради. Улар карта иладиган ва сақлайдиган махсус мосламалар карта, расмлар, жадваллар иладиган тагликлар, расмлар иладиган махсус туткичлар, кўрсатмали қўлланмалар сақлайдиган махсус мослама ва жавонлар, шунингдек, проекцион аппаратлар ва махсус кўрсаткичлардан иборатдир. Кўрсатмали қўлланмаларни тайёрлаш учун зарур бўлган асбоб ва буюмлар ҳам мазкур гурпуага мансубдир.

География ўқитувчиси қанчалик тажрибали, нутқи чяройли равон ва содда бўлмасин, у дарсшқуруқ сўзлар билан ўтмасъ лиги керак.

Ўқувчиларга ўзи туғилиб ўсган жойларнинг табиатидан кескин фарқ қилувчи ландшафтлар ҳақида билим берилганда унинг тасвирини кўрсатиб, тушунтириб бериш лозим. Тасвири ўқув қуролларидан фойдаланиш — географик тасаввурнинг шаклланишига, тушунчаларнинг аниқ ўзлаштирилишига ёрдам Оеради. Уқитувчи тасвири материаллардан фойдаланаётганда ўқувчилар диққатини ўрганилаётган объект тасвирини кузатишга, унинг ўзига хос белгиларини аниқлашга ва умумий хулосалар чиқаришга жалб этиши ва тасвирга изоҳ бериб бооиши керак.

Тасвири қўлланмаларнинг асосий турларига тўхтаб ўтаимиз.

Экранли қўлланмалар. Экранли қўлланмалар икки хил бўлади: проекцион аппаратлар ва телевидение.

Проекцион аппаратларнинг ўзи 3 хил (эпископ, эпидиаскоп ва диаскоп аппаратлари)га ажратилади.

Эпископ. Бу аппарат турли хил фоторасмлар, суратлар, ёзув ва буюмларни экранда кўрсатади. Эпископ ёритгич манбаидан тушган нурни, нур қайтаргич, кўзгу орқали объект тасвирини экранга туштиради.

Диаскоп. Ойна, плёнкадаги шаффоф диапозитивларнинг тасвирини экранга туширади. Эпидиаскоп эса эпископнинг ҳам, проекцион фонарнинг ҳам хизматини бажара олади.

Схемада кўрсатилгандек диаскоп аппаратлари: проекцион фонарь, фильмоскоп, диапроектор ва киноаппаратдан иборат.

1) Проекцион фонарь билан ишлаш. Қичикрок шишага, киноплёнкага ва бошқа шаффоф пластинкага туширилган расмлар — диапозитивлар проекцион фонарь ёрдамида катталаштирилиб экранга туширилади.

Ёруғлик воситасида катталаштириб кўрсатилган расмлар ўқувчилар учун оддий расмларга караганда қизиқарли ва таъсирли бўлади.

Диапозитивларни мактабда тайёрлаш ҳам мумкин. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган диапозитивларни мароқ билан томоша қиладилар ва кўрган нарсалари узоқ вақт эсдан чиқмайди. Диапозитив кўрсатиш учун фонарнинг диапозитиви ўрнатиладиган рамкасини бир томонга суриш керак, рамканинг кассеткасига диапозитивнинг тескари томони қўйилади, шуяда фонарь проекти тушириладиган расмнинг тасвири экранда тўғри кўринади. Бир дарс давомида кўрсатиладиган диапозитивлар сони 10—12 донадан ортиқ бўлмаслиги керак.

2) Фильмоскоп билан ишлаш. Фильмоскоп диафильмлар кўрсатади. Диафильмлар бир темага доир бир неча диапозитивнинг плёнкага туширилганидир. Диафильм дарс бошлаш олдида, янги материални ўрганиш, темани такрорлаш ёки мустаҳкамлаш вақтида, шунингдек дарсдан ташқи вақтларда кўрсатилиши мумкин.

Диафильм кўрсатиб бўлингандан сўнг, ўқувчилар билан қисқача якунловчи суҳбат ўтказиш лозим.

Фильмоскопдан фойдаланиш учун диафильм кўрсатиладиган хонага экран ўрнатилади ва қоронғилатилади. Кўрсатишдан бир кун олдин ўқувчиларни огоҳлантириб қўйиш ҳам мумкин. Кўрсатишдан аввал темага тегишли ва таълимтарбия талабларига жавоб берадиган диафильм танланади.

Уқитувчи диафильмни кўрсатиш вақтида саволлар беркш ва тушунтириш билан бирга, муҳим жойларига ўқувчилар диққатини жалб этиши, диафильм кадрларини қисқа, аниқ ва равшан сўзлар билан изоҳлаб бериши лозим. Диафильм ўқувчиларнинг чарчаб қолишини ҳисобга олиб, 10—15 минут мобайнида кўрсатилиши мумкин.

Тажрибалардан шулар маълум бўлдики, диафильм кўрсатишни карта билан боғлаб бориш яхши натижа беради. Диафильмнинг бир неча кадрлари кўрсатилгач, хона ёритилиб ёки махсус ишланган «электр кўрсаткич» билан географик объектларни картадан кўрсатиб бориш керак. Диафильмни картасиз кўрсатиш унинг қимматини пасайтириши ҳам мумкин.

Мактабларда диафильмдан фойдаланиш кинофильмга нисбатан қулайдир. Диафильм кўрсатишда кадрларни керакли ўринда хоҳлаганча тутиб (кўрсатиб) туриш мумкин. Шунингдек экран олдида кадрларга изоҳ бераётганда фильмоскопни ўқувчилардан биронтаси кўрсатиб туриши ҳам мумкин. Темани диафильм кўрсатиб ўрганилса, ҳатто уй вазифасига ^ эҳтиёж қолмайди.

Baholash mezoni.

- 1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.*
- 2.Laboratoriyani mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.*
- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.*
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha*